

# ИТТИФОҚДА РЕКОРД ҚЎЙИБ



**Бүгүн**  
Кўп миң кишилик тўқимачилик комбинатининг коллектив ўрта сизда ажойиб хушбағар тарқади. Беш йиллик реални 1973 йилда бажариш тўғрисида ҳаракат бошлаган биринчи тўқувчилик фабрикасининг тўқувчиси Лидия Казанцева ҳамда ишдашларининг ватанпарварлик ташаббуслари Ўзбекистон ССР енгил саноат ми-

нистрлигининг коллектив ҳамда тўқимачилик ва енгил саноат ишчилари касба союзлари республика комитетининг Президиумида маъқулланди.  
Бир неча йил муқаддам Л. Казанцева бир йўла 32 станокда ишлашга ўтган эди. Бу нормадан анча юқори бўлган эди. Рекорд хизмат курсатининг қийинлиги шундан иборат эдики, ускуналарда «Ягодка» деб аталувчи болалар кийими тизилган газламалар тайёрланарди.  
Костромалик тўқув-

чи Валентина Плетневанинг издоши Лидия Казанцева шахсий беш йиллик топширигини 1969 йил 1 сентябрда — мuddатидан илгари бажарди. Беш йиллик планга қўшимча 580 миң метр газмол ишлаб чиқарди.  
Л. Казанцева янги беш йиллик бошланғич билан зарборларча меҳнат қилишга киришди. Комплекта бирга ишловчи Людмила Курасова январь ойида отпускога кетди. Унинг ўрнида ишлаган одам топилмади. Шунда Лидия Павлов-

на 64 станокда хизмат қилишга ўтди. Натияжада у нормасини 112 процентдан бажарди. Ишлаб чиқарган маҳсулотларини контроллерлар фақат биринчи сорта қабул қилдилар. Бу, Бутуниттифоқ рекорди ҳисобланади! Хозиргача мамлакатимиздаги бирорта корхонада ҳали шу қадам кўп станокда хизмат қилганини киши топилмаган.  
Тўқувчидан участкадаги ишларни қандай эътиборда, деб сўраганларда Лидия Павлова оддийгина жа-

**\*ВАЛЕНТИНА ПЛЕТНЕВА ИЗДОШИНИНГ ЖАСОРАТИ**  
**\*ТАШАББУС ҚУЛОЧ ЁЙМОҚДА**  
**\*БИР ЎЗИ 48 СТАНОКДА ИШЛАМОҚДА**

воб берди: «Албатта бу машаққатли иш, кўп куч талаб қилади. Шунга қарамай, мен шундай ишларни ёқтираман...»  
Хозир тўқувчи яна 48 станокда ишламоқда. Бу унинг доимий нормаси бўлиб қолди. Янги ташаббус кенг қулоч ёйди. Ўндилликда тўқимачилик комбинатидан унинг «ўнлаб муқаддирлар бор. Биринчи бўлиб унга сменчини

Валентина Солдатова ўргатди. Свездолди долларб кулларида М. Асеева билан Г. Калимуллина 40 тадан, Ф. Айсина, Н. Барсукова, В. Гушина ва бошқалар 36 тадан станокда хизмат қилишмоқда. Ишлаб чиқариш илгорлари сменда планга қўшимча 18 миң метрга яқин газлама беришмоқда. Тўқувчиларнинг бундай ютуқларга эришишларида мастер ёр-

дамчилари С. Қорабоев, билан Н. Ирискулов ўртоқлар ҳар жиҳатдан ёрдам бериб туришмоқда.  
Комбинат новаторлари янги беш йилликда юксак меҳнат унвондорлигига эришиш билан бирга, аъло сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш, кўплаб ҳомашени тежаб қилиш ширини ўртага ташишларида мастер ёр-

Ватанпарварлик ташаббуслари бошлаган Л. Казанцева, В. Солдатова, иккинчи тўқувчи Фабрикасининг тўқувчиси Е. Миязьева Фабрик ёрликлар ва тўқувчи мунофоти билан таъдирландилар. Шунингдек, Л. Казанцева кўплаб тўқувчилар «Ўзбекистон ССР мушобага аълочили» нишон ҳамда пул мунофоти олдилар.

Бутун дунё пролетарлари, бирлашини!

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Б.йил чиқиши.  
**18** МАРТ 1971 й.  
ПАЙШАНБА  
№ 64 (1439).  
БАҲОСИ 2 ТЯНИН.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

## ПАРТИЯ

## АКТИВИ

## ЙИГИЛИШЛАРИ

Пойтахтимиз районларида партия актив йиғилишлари бўлиб ўтмоқда. Уларда Ўзбекистон Компартияси XVIII съезди якунлари ва район партия ташкилотларининг наизфалари муҳокама қилинмоқда.

## Кеча

Фрунзе ва Сергели районлари коммунистларининг ана шу масалага бағишланган актив йиғилиши бўлди. Унда район партия комитетининг биринчи секретари Т. И. Акимова доклад қилди.

Докладчи ва музокарадор сўзга чиққан Ўзбекистон Коммунистик партияси XVIII съездининг делегатлари — қурилиш материаллари комбинатининг директори А. Д. Жуков, «Таштекстильмаш» заводининг селари В. Л. Козорез, Тўқимачилик комбинатининг йиғирувчиси Е. А. Князькова, 1-пайфал фабрикаси партия комитети секретари Т. А. Ахоров ва бошқа ўртоқлар меҳнаткашларнинг янги ҳужалик ва маданий қурилиш вазифаларини бажариш йўлидаги сафарбарликлари ҳақида кенг фикр юритдилар. Йиғилиш қатнашчилари муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилдилар.

## Бүгүн

Чилонзор, Ҳамза, Собир Раҳимов районларида ҳам партия актив йиғилишлари бўлиб ўтди.

## 17 АПРЕЛЬ - Коммунистик шанбалик!

### ПУХТА ТАЙЁРГАРЛИК

Трестдаги олтинта бошқарманинг барча участкаларида 17 апрелда Коммунистик шанбалик ўтказиш учун пухта тайёргарлик олиб борилмоқда. Шанба куни барча объектларда иш одатидек давом этади. Тежалган маҳсулот ҳисобига ишлавади.

Маҳсулот тежалнинг йўллари кўп. Инженерлик ишпоотлари

Шанбалик кунини маъмурият ва идора хизматчилари майдон ва йўлларини тартибга солишда, мутахассислар объектлардаги ишга қўмақлашади. Ушбу кунини тежалган маҳсулот ҳисобига куралмонтаж ишларидан тушган 40—50 миң сўм маблағ тўққизинчи беш йиллик фондига ўтказилади.

А. АВДУҚОДИРОВ,  
«Таштекстильмаш» заводнинг бошқарувчиси.

### ЗАРБДОР МЕҲНАТ САМАРАСИ

#### Бүгүн

Тошкентдаги газ аппаратлари заводи ишчи хизматчиларига ўн учинчи маош тарқатилади. Коллективга ҳаммаси бўлиб, ўттиз миң сўм пул тақсимланди. Вахтада туриб ишлаган турли касб эгаларидан Н. Арсериев 105 сўм, З. Закиров 100 сўм, А. Мелинов 121 сўм, Н. Коркин 119 сўмдан пул олдидлар.

Корхона ўтган йили жуда катта меҳнат муваффақиятини қўлга киритди. Йиллик планга қўшимча равишда 250 миң сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Бу беш ярим миңтага газ плити, 2 миңта печна горелкалари планга қўшимча равишда тайёрланди дегандир.



Тошкент кўн-қўйна заводи коллективи тўққизинчи беш йилликнинг биринчи йилида аҳолига 6 миллион 457 миң сўмлик табиий ва сунъий қора кўл териларидан ишланган кийим таёрлашчи корхона меҳнаткашлари свезд очилган кунгача квартал планини бажариш ва қўшимча равишда 70 миң сўмлик маҳсулот тайёрлашга ҳаракат қилишганди.  
СУРАТДА: оялик топшириқларини муттасил ошириб бажарганидан ишчилар — соф қоракўйдан аёллар палтоси тикиш цехининг илгорлари Мухаббат Томирова (чапда) билан Насиб Одилова, Ф. Лутфуллаев фотоси.

### Тонги газеталари

◆ Кеча Москвада Пария Коммунасининг 100 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш ўтказилди. КПСС Марказий Комитетининг секретари Б. Н. Пономарев йиғилишда доклад қилди.  
◆ Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонига биноан ўртоқ Темур Мақсудович Тўхтаев Ўзбекистон ССР Алоҳида министри қилиб тасдиқланди.

### ОПЕРА САҲНАСИДА СТУДЕНТЛАР

#### Бүгүн

Тошкент Давлат консерваторияси вокаль курсининг студентлари композитор Вердининг «Травята» асарини таёрлашга киришдилар. Студентларнинг опера жаҳридаги дестлабқи мустақил иши Алишер Навоий

номли Ўзбекистон ССР Давлат Катта Академик театри саҳнасида намойиш қилинади.  
Асардаги асосий ролларни М. Ҳамидова, В. Федорова, Г. Тарносква, В. Борисов ва бошқалар икром этакдилар.  
Студентлар спектаклининг премьераси яқин вақтлар ичда ўтади.

### ЖАҲОН ОЙНАСИ

ВАРШАВА. ТАСС мухбири В. Михальченко хабар қилади: Турдунда университет Польшанинг энг кекса университетларидан бири бўлиб, буюк олим Николой Коперник туғилган кунининг Янги вақт ичда бутун тараққийпарвар инсоният Николой Коперник туғилган кунининг 500 йиллигини нишонлайди. Турун шаҳрининг марказидан бир ярим километр нарида қурилаган янги университет шажарчаси мана шу ақолиб сана муносабати билан барпо қилинган чинаван ёдгорлик бўлиб қолади. Саксон гектар майдонда университетнинг ўқув корпуслари, маъ-

мурий бинолари, ётоқхоналар ва студентларнинг ошхоналари; университетнинг маданият уйи, спорт зали, стадион жойлаштирилди.  
◆◆◆  
ЛОНДОН. Англияда фақат ўтган ҳафтанинг ўзидagina яна 11 миң киши ишчилар сафига қўшилди.  
Иккисодий пасайиш кучаниб бораётганлиги, инфляция давом этаётганлиги натижасида иш-лаб чиқаришнинг бутун-



Анголани озод қилиш Халқ ҳаракатининг жангчилари Португалия мустамлакичларига қарши курашган ботаник куйиқтирилмоқдалар. Ватанпарварлар португалияликларга тинчлик бермай қўйдилар. Мустамлакичлар ҳар қадамда ўқиб учинчи, минадан портлаб кетиши мумкин. Халқнинг адолатли кураши албатта галаба қилади.  
СУРАТДА: мустамлакичлар ҳар қадамини пайпаслаб босишга мажбур бўлишганди. Улар Ангола ватанпарварлари қўйиб кетган миналардан йўлик тозалашмоқда.  
Сураат Америкада чиқадиган «Ньюсуик» журналдан олинди.  
ТАСС фотохроникаси.

### САНЪАТ ИХЛОСМАНДЛАРИ УЧУН

Чилонзор районининг 23-қаватлида эстетик билмлар халқ Университети ташкил қилинганга икки йилча бўлиб қолди. 44 ва 229-урта мактаблар базасида ташкил қилинган бу университетда ўтган вақт ичда кўплаб қизиқарли машғулотлар ўтказилди. Бет-

ковен ва Шопен ижоди, Дюрер гравюралари, Пикассо суратлари, Самарқанднинг қадимий ёдгорликлари ва Ўзбекистоннинг замонавий тасвирий санъати мавзусида бағишланган лекциялар шулар жумласидандир.

Қўрғазмани қуроллар ва музика журигида ўқитилган бундай лекциялар асосан катта синф ўқувчилари ҳамда ёш ўқитувчилардан иборат бўлган тингловчиларнинг эстетик тарбиясида муҳим роль ўйнамоқда.

Университетга 23-қаватли ЖЭН тарбиячиси Л. Г. Саляя раҳбарлик қилиб келмоқда. Машғулотларнинг ўз вақтида ўтказилишида унинг хизматлари катта.

университетнинг навбатдаги машғулотини бўлиб ўтди. Унда мактаб музика ўқитувчиси Ю. Нерлинг Шопен ижоди ҳақида лекция ўқиди. И. Пифлас эса Шопен асарларидан ижро этиб йиғилганларини хушнуд этди.

## Кеча



# КОММУНАНИНГ ҚИЗИЛ БАЙРОҒИ

**БУГУН** прогрессив инсоният Париж Коммунаси тузилган кунинг 100 йиллик байрамини кенг нишонляпти.

Париж Коммунаси марксизмнинг давлат ва пролетариат диктатураси тўғрисидаги таъминотини революцион таъриб билан ҳар томонлама бекитди.

Париж Коммунаси қисқа вақт ичида бўлишга қарамастан, марксизмнинг давлат тўғрисидаги асосий назарисини бирдан-бир тўғри назарга эканлигини бутунлай тасдиқлаш билан бирга, бу назарияни янги фактлар билан бойлатди.

Мезлуки, Маркс билан Энгельс Париждаги революция бошланishi арасидаги вазиятни ҳисобга олиб, бу революция шундай бир ноқулай вазиятга ўтказилса, деярли ҳалокатга учраши мумкин деб, уни амалга оширишга эътироз билдирган эдилар.

Аммо революция бирдангина бошланиб кетди. Маркс билан Энгельс биринчи бўлиб уни зур хурсандчилик билан қутқадилар ва коммуналчиларнинг галабасига ёрдамлаш учун астойдил ҳаракат қилдилар.

Париж Коммунаси марксизм сепган уруғлар унинг чиқа бошлаганини аққол кўрсатди. Коммуна пролетар диктатураси тўғрисидаги назарияни янгиликлар билан таърибга айлантириш мумкинлигини тасдиқлади. Коммуна таърибига марксизмнинг эски буржуазия давлат машинасини йўқ қилиб, синдириб ташлашга турб, уни ўз мақсадлари учун ишга солиб юбора олмади, деган хулосани амалда исботлади.

Маркс ва Энгельс давлат ҳақидаги таъминотини ривожлантиришларида Париж Коммунаси таърибга марксизм ўзини эгаллади. Бу таъриб пролетар давлатнинг характери тўғрисида хулосалар чиқариш учун, асосан кўп материал берди.

Париж Коммунаси биринчи пролетар революцияси, пролетар диктатурасини ўрнатганининг биринчи таърибидир. Коммуна ҳаммаси бўлиб 72 кун ишлаганига қарамай, унинг ишчилар ҳаракати назарияси ва амалии иш учун аҳамияти ниҳоят даражада катта бўлган эди.

асарида Коммуна таърибаси, нақадар кичкина бўлмасин, марксизм назарисини ривожлантиришга жуда катта ёрдам берди, деб ўқитиб ўтди.

Лениннинг айтишича, Маркс ўз вазифасини «бу таърибани анализ қилиш, унда заҳимли соҳасида сабоқлар чиқариш, унга асосланиб ўз назарисини қайтадан кўриб чиқишдан иборат» деб билган эди.

Агар илгари Маркс билан Энгельс янги пролетар ҳаракатдаги давлат тузилиши тўғрисида умумий таълиқларни қўйиб билангина чегараланган бўлсалар, Коммуна таърибидан кейин янги пролетариат давлати типига ҳос давлат формасини аниқлаш имконига эга бўлишди.

К. Маркс ўз асарларида Коммунанинг янги жамият давлат опаретини тузишга қаратилган таърибларига, асосан, мусулсал тўқталди. Коммуна ўзининг биринчи декрети билан доимий армияни бекор қилиб, уни ҳарбий курали кучлари билан алмаштирилганлига жуда катта ҳақо беради.

Коммунанинг декретига мувофиқ доимий армия ҳалқ милицияси билан алмаштирилди. Маркс Коммунанинг бирорта таъбирий чораларини сезмасдан қолгани йўқ. У Коммунанинг сиёсий маданияти ва иқтисодий соҳадаги турли иқдорларини ўзини таъдил қилди. Оқш шайх саловатларида умумий тулпа-тури сайлаш ҳуқуқларини қиритиш; уларнинг жаоб-барлиги ва истаган вақтда ялваш-чиқариш; давлатдан черковни ва тириқдан мактабни ажратиш; ишчиларнинг туғатки чоралари; ишчиларнинг ўз ҳақидан мажбурий ушлаб қолиш ва штрафни бекор қилиш; социал таъминотини ташкил қилиш; болганган мударда қарз пули тулаш учун ажратилган борлиқ вексель дээрларини йўқ қилиш; буларнинг ҳаммасига Маркс ишчилар синфининг манфатларини таъминлашга қаратилган таъбирлар деб қаради. Ҳақиқатдан ҳам, Коммуна декретлари маълум миқдорда стихияли бўлса, янги революцион ҳуқуқий актлар ҳисобланиб, улар давлат пролетариатнинг манфати

учун тузилди. Маркс, айниқса кўп қизиқтирган нарсаси Коммунанинг сиёсий ҳокимият тузилиши тўғрисидаги чоралари бўлди.

Эндилкида, у бизнинг Совет Социалистик Республикасимиз ва Халқ Демократик Республикаларининг савло ҳуқуқ принциплари системасида мустайил ўрин олади ва СССР, Халқ Демократик Республикалари Конституцияларида мустақиллаштирилди.

ишчилар версалчилар томонидан отиб ўлдирди. Маркс Коммунарлар ўз вақтида аниқ душманларни тугатмағлиги учунгина эмас, балки ўзларининг ички кириб олган яширин душманларини аниқламағлиги учун ҳам уларга таъна қилган эди. Ленин «Коммунарларнинг уришларидики қаҳрамонлиги нима» деган саволга «Париж Коммунарларнинг қаҳрамонлиги шундан иборатки, улар тарихда биринчи марта буржуа давлат машинасини синдириб ташлашга амалга оширдилар ва биринчи пролетар давлатини тузишга киришдилар, деб жаъоб берган эди. Ленин буржуа давлат машинасини синдириб ташлаш зарурлиги ҳақидаги хулосани тасдиқлаганига қолмасдан, балки бу машинани нима билан алмаштириш кераклигини ҳам кўрсатиб берган Париж Коммунасининг таърибаси асосида пролетар давлатининг характери тўғрисидаги масалаларга жуда катта эътибор беради.

В. И. Ленин кўп йиллар давомида XIX аср охиридаги жаҳон революцион ҳаракатининг таърибасини, Париж Коммунасининг таърибасини ўрганди. 1905 йил революциясида рус пролетариатининг иккидан яратилган Советларда В. И. Ленин Париж Коммунасини таърибдаги давлат кутганини кўрди.

У Маркс ва Энгельснинг Коммунага бағишланган асарларига қайта-қайта мурожаат қилиб, уларни XX аср ишчилар ҳаракатининг таърибаси нуктаи назардан таҳлил қилиб чиқди.

«Ироқдаги ҳатларнинг муттаҳид ифодаси ва янги ривож бўлган Апрель таъриблари янги даврдаги марксизмнинг улугвор программаси ҳужжатидир. Ленин жаҳон ишчилар ҳаракати таърибаси, Россиядаги икки революция натижаси асосида марксизм назариясини янада ривожлантирди, Совет республикаси тасмилсиз пролетариат диктатурасининг кенг меҳнаткашлар оммасига экин ва тушунарли бўлган конкрет формасини кашф қилди. В. И. Ленин Советлар республикасининг парламентлик республикасида араваллини кўрсатиб, Советлар республикасини Париж Коммунасининг бевосита дээр

воми, вориси эканлигини алоҳида таъкидлади.

Социализм кучлари тўхтовсиз юксалётган ҳозирги даврда революционнинг тинч йил билан ривожланиб бориш имконияти ортиб бормоқда. Коммунистлар ва ишчи партиялар вакиллари Кенгашининг баёнотида (1960 йил) ҳозирги-замон шароитида бир катор капиталистик мамлакатларда давлат ҳокимиятини граждандар урушсиз қўлга олиш ва асосий ишлаб чиқариш воситалари ҳалқ иштироғида ўтишига имконият берилги кўрсатиб ўтилди.

Маркс 1871 йил 18 мартда галаба қилган Париж Коммунасини кўзгич таъриблади ва коммунарларни «Осмоки штурм қилганлар» деб атади. Москвадаги К. Маркс ва Ф. Энгельс музейида энг нодир экспонатлардан бири сақланмоқда. Бу Париж Коммунасини 67-батальонининг байроғидир. Коммунарлар ана шу байроқ остида сиёсий душманларга қарши жанг қилган эдилар. Уша байроқ банини ва В. И. Ленин ўзи билан олиб юрган К. Маркснинг фотосини 1964 йилнинг октябрида совет космонавти В. Комаров, Б. Егоров, К. Феоктистовлар «Восход» космик кемасида космосга ўзлари билан бирга олиб чиқдилар.

Ҳақиқатдан ҳам, осмонни бутун К. Маркс орзу қилганидек, Париж коммунарларининг неварелари ва ворислари бўлиш коммунистлар заёт қилмоқдалар. Совет ишчиларининг Коммуна қаҳрамонларига бўлган меҳр ва хурмати доимо кенсиз ва абадийдир. КПСС Марксизм Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев 1970 йил 21 апрелда В. И. Ленин туғилган кунинг 100 йиллигига бағишланган таънада қилган даъво-да лейда пролетар революциясининг биринчи қамоқи планета уфқини яқрилатиб юборди. Париж Коммунасининг Қизил байроғи кутарилиди. Коммунарлар мағлубиятга учраган бўлсалар ҳам, лекин улар рубга чиқариш учун жанг қилган ишчи энгш мумкин эмас эди.

Д. РАЗЗОҚОВ, Т. СОЛИБ.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси фалсафа ва ҳуқуқ инсти-тутининг илмий ходимлари.



Париж Коммунаси 67-батальонининг янговар байроғи. ТАСС фотохроникаси.

К. Маркс Коммунанинг фақат ижобий томонини аниқлабгина қолмасдан, унинг хатоларини ҳам кўра билган эди. У айниқса, франсуз банкисининг аудлик билан мурасадар қилимағлигини, ўз томонига деҳқонларни тортишни ташкил қила билмағлигини, тегишли ички тартиб ва ушқоқлик бўлмағлигини учун Коммунани маъсум қилиб қўйди. У Коммуна раҳбарларининг каттиятсизлигини, уларнинг ўз сиёсий душманлари билан мурасачилиқлари ва сиёсий кураш қонунини тушунишга қобилиятсиз бўлганлигини очиб берди.

Париж Коммунаси версалчиларга нисбатан қарағанда ортиқ юмшоқ бўлди, мана шунинг учун, Маркс ўз вақтида уларни ҳалқ рившида қаттиқ койган эди. Коммунарлар бу юмшоқлик азобиин ҳам чекиди, яъни Тьер Парижга бостириб кирганда, ўн мингларча

туғиларга эришк билан беравар иш ҳақи тулаш ҳақида декрет чиқарди. Бу декретда бу-ндай дейлади: «Хотин-қизларнинг ҳаёт талаблари эриқлариникидек юқори ва зарурлигини... ўқитишда хотин-қизлар меҳнати эриқлар меҳнати билан барабарлигини ҳисобга олиб, хотин-қиз ўқитувчиларнинг иш ҳақи эриқ ўқитувчиларнинг иш ҳақи билан тенглаштирилиши...»

Париж Коммунасининг охириги мудоафасида ҳам, Коммунадан кейинги жаъо чоралари пайтида ҳам хотин-қизлар алоҳида жаъо кўрсатилди. Париж Коммунасининг охириги мудоафасида ҳам, Коммунадан кейинги жаъо чоралари пайтида ҳам хотин-қизлар алоҳида жаъо кўрсатилди.

Париж Коммунасининг охириги мудоафасида ҳам, Коммунадан кейинги жаъо чоралари пайтида ҳам хотин-қизлар алоҳида жаъо кўрсатилди.

Париж Коммунасининг охириги мудоафасида ҳам, Коммунадан кейинги жаъо чоралари пайтида ҳам хотин-қизлар алоҳида жаъо кўрсатилди.

Париж Коммунасининг охириги мудоафасида ҳам, Коммунадан кейинги жаъо чоралари пайтида ҳам хотин-қизлар алоҳида жаъо кўрсатилди.

Париж Коммунасининг охириги мудоафасида ҳам, Коммунадан кейинги жаъо чоралари пайтида ҳам хотин-қизлар алоҳида жаъо кўрсатилди.

Париж Коммунасининг охириги мудоафасида ҳам, Коммунадан кейинги жаъо чоралари пайтида ҳам хотин-қизлар алоҳида жаъо кўрсатилди.

Париж Коммунасининг охириги мудоафасида ҳам, Коммунадан кейинги жаъо чоралари пайтида ҳам хотин-қизлар алоҳида жаъо кўрсатилди.



## РЕСПУБЛИКА СЪЕЗД ОЛДИДА

### Қўшимча юз минг метр

РОВО. Бу ердаги қанов комбинатининг туқувчилари ҳар кун планда, ташқари мақсулот ишлаб чиқармоқда. Шу кунга қадар планга қўшимча юз минг метр газлама ишлаб чиқарилиди. Съезд шарафига оллинг мажбурий шарф билан бақарилди. Туқувчилар март ойининг охиригача

планга қўшимча яна бир неча ўн минг метр газлама ишлаб чиқаришга аҳд қилдилар. Ҳозир қорхонада уч мингдан зиёд туқувчи партия съездин шахсий сова билан кутуб олиш учун ушлаб биргалар КПСС XXIV съезди номли коллектив деб аталш учун мурашмоқда. ТАСС мухбири.



ОДЕССА. Ленин ордени «Черноморгидрострой» трестининг, нурувчилари энгш меҳнат галабасини қўлга киритдилар. Илмивис вакилчилик портининг биринчи навабти муддатдан илгари ишга тушрилади. Янги порт мамлакатимизнинг мажбуриятинг энг йирик денгиз вакилчилик портларидан бири. Бу ерда бир йилда бир неча юз минг тонна мақсулот қайта ишланди.

СУРАТА: янги денгиз вакилчилик портининг илгор қурувчилари. Чапдан ўнгга — илпоршини Виктор Иванович Непомнящий, бригада бошлиғи Анатолий Анатольевич Лопушанский, элктр пайвандчи Иосиф Францевич Гонгалов, бетончи Прокофий Алексеевич Рогозинский комплекс бригада бошлиғи Иван Алексеевич Соколов. И. Павленко фотоси, ТАСС.

## СУТ СОГУВЧИНИНГ ЖАҲОН РЕКОРДИ

Украина ССР Чернигов обла-стининг Придук районидики «Октябрь 10-йиллиги» колхозининг сут соғувчиси СССР Олий советининг депутаты. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Анна Довженко КПССнинг XXIV съезди шарафига ўз қарамонидики сигирларнинг ҳар биридан бир йилда 7500 килограмдан сут соғиб олиш мажбуриятини олган эди. Анна Довженко ўз зиммасига олган мажбуриятини ортинги билан бақарди. Ҳар-бир сигирдан ўрта ҳисобда 7615 килограмдан сут соғиб олди. «Малвина» лабали симменталь зотли сигирдан эса 14430,7 килограмм сут соғиб олди. Бу натижа мажбуриятини охириги жаҳон рекорди ҳисобланади.

Бу рекорд ушан бой таърибда эга бўлган сут соғувчининг ўз билимининг охириги бориши, маҳаратлиги меҳнати натижасида қўлга киритилди. Анна Довженко қишлоқ хўжалиқ техникумининг зоотехника бўлимининг битириб, мана ўн етти йилдан бери сут соғувчи бўлиб меҳнат қилмоқда. «Октябрь 10 йиллиги» колхозида қорамолларнинг зотдорлигини охириги юзасидан энг илмий ишлар олоб боришда, мустақим озуқа базаси ташкил этилган. Фермалардаги барча оғир меҳнат жараёйлари механизациялаштирилган. Анна Довженко яқин келажакда ўз қарамонидики ҳар-бир сигирдан 8 минг килограмдан сут соғиб олишни мўъжалламоқда.

## Улкан турбогенератор

Харьковдаги В. И. Ленин номи «Электротехника» заводда қувват бир миллион киловатт бўлган улкан турбогенератор яратилди. Янги агрегат бир қатор конструктив хусусиятларга эга ва қамқуватли турбогенераторлар синидадан ўтказиш учун мўъжалланган. Улкан агрегатнинг

статор ва ротори сув билан ички соғувчи воситаларига эга. Бундан янгилик генераторлар ишлаб чиқаришда биринчи марта қўлланилди. Ҳозир «Электротехника» заводининг конструкторлари қувватли илм миллион киловаттга бўлган янги турбогенераторларни ишлаб чиқариш устида илмлашмоқдалар. АПН.

## ХИЗМАТ МУДДАТИ УЗАЙДИ

Қара Либенхет номли Днепротетровски заводининг коллективини чуқур нефть қуварларини қазиниш учун черновикали ишчиларга ўта қиёмали янги тўрба-ларнинг дастлабки партиясини жўнатди. Бу тўрбалар олдда-гиларига нисбатан илм баъарав узоқ хизмат қилди.

Съездолди вақтаси, да металлурлар зарбдорлик билан меҳнат қилишмоқда. Оператор вальцовщиклар Л. Ведовский ва В. Плядовский ва В. Плядовский смена топириқлари Рини бир ярим баъарав охириги бақармоқдалар. Мастер А. Кушнченко бошлиқ бригада эса ҳар бешинчи тонна мақсулотни топириқда қўшимча равишда ишлаб чиқармоқда. Корхона илг бошдан буён Сибирь ва Оларбайон нефтьчилари учун планда ташқари илм ишчилар ана шундай тўрбалардан жўнатди. КПСС XXIV съезди шарафига оллинг мажбурият муддатидан илгари бақарилди. ТАСС мухбири.

## РЕСПУБЛИКАДА ЭНГ ЙИРИК

Украинанинги энг йирик олий ўқув юртилардан бири — Львов политехника институтини ўтган беш йиллида бир мунча кенгайди. Маъмурий корпус ва проблем химия корпуси, янги ётоқхона фойдаланишга топириқди, турли факультетлар учун қатор корпуслар қурилиши кенг ажи олариб юборилди.

Янги студентлар кутубхонасининг биноси қуриб битказилди. Унда бир миллиондан энгш зинда сақланади. Кутубхонанинг тўртта ўқув залида бир вақтинги энда бир ярим минг студент шугулланиши мумкин. СУРАТА: Львов политехника институтининг янги кутубхонаси. Б. Криштул фотоси, АПН.

## ЯНГИ ПОЧТА МАРКАСИ

СССР Алоқа министрлиги Украина Коммунистик партиясининг XXIV съезидига бағишланган янги почта маркаларини алоқага чиқарди. Нарх тўрт тиини бўлган почта маркасида Киев шаҳридаги маданият саройининг фондида «Уроқ ва Болган эмблемаси, дафна гулчамбар ва Украина республикасининг

илмий байроғи рангидики қизил-кўк лента тасвирланган. Марканинги юқори қисмида «XXIV» рақами ва унинг тағи: «Украина Республикаси» сўзлари рус ва украин тилларида ёзилган. Мингларча қизил-кўк, кўк ва оқ сарик рақамларда чуқур босма усули билан босилган. Л. Травинов, АПН.

## Париж Коммунаси ва хотин-қизлар

Бундан 100 йил муқаддам, 1871 йил 18 мартда Париж ишчилари франко-прусс урушида ўз халқига, ўз Ватанига ҳошияни қилган буржуазияга қарши курали қўзғолош бошлаб ҳокимиятини қўлга олди, тарихда биринчи марта пролетар диктатурасини — Коммунани ўрнатди.

Коммунани ўрнатилган хотин-қизлар бениҳол янги ҳаётга ўйнадилар. Хотин-қизлар Париж ички жангларда ярадорларга тибобий ёрдам бердилар, қўлга қурул олиб, эриқлар билан ёнма-ён туриб курашдилар. Шунинг учун ҳам К. Маркс I Интернационалнинг Лондон конференциясида «Париж Коммунаси пайтида... улар (хотин-қизлар) эриқлардан кўра кўпроқ гайрат кўрсатдилар» деб ўқидилар.

В. И. Ленин хотин-қизларнинг қўлаб-қувватларини Парижнинг маъра ва матрур қилди, деб кўрсатди.

Париж Коммунасини барпо этишда хотин-қизларнинг иштироғи тўғрисида жуда кўп хабарлар эпизодларини келтириш мумкин. 1871 йил 18 март кечаси ҳуқумат қўшинлари Монмартр тегалиги томонга силқий бошладилар. Бу ерда Миллий гвардия жағдчилари ва Париж аҳолиси қўлқали тарафидан жағдгарлар ҳисобига сотиб олинган тўрталар турарди. Ўшларнинг қўриқлаган Миллий гвардия соқ-

чиларидан бир қанча-си ҳуқумат қўшинлари томонидан ўлдирилди, тўрталар Парижга туширилатган бир пайтда Аббат майдонда бир бурдалан ноил олин учун тонг саҳардан булоқхоналар эшигига тулланган хотин-қизлар солдатлар, уни ўраб олдилар. Улардан айримлари бо-лай аёллар эди. Хотин-қизлар отларнинг қиёмовидан ушлаб олиб, сояда-ларга мурожаат қилдилар.

— Силар, қандай қилиб халқ душман-ларига хизмат қилаёт-сиз, ахир сиз халқнинг фарзандларини! Наҳотки, ўз эву-чиларингиз қўлида кўр-кўроқ қурул бў-лиш сизнинг элони-нгизга юзмали. Наҳотки, силар учун сот-қилларга хизмат қи-лиш уят бўлмас?

Солдатлар, аввало, хотин-қизларни ярадор қилишга иштироқ қилганларга тирмашиб олган болдаларни босиб ўтмаслик учун тўқталдилар. Бу илпоқда, ҳақ гаплардан кейин солдатлар қурулларини ишлатмай, тўрталар Миллий гвардия вакиллари олдинга қаршилик кўрсатмадилар.

Париж коммунарларининг қаҳрамонлари қурашида хотин-қизларнинг жамаот ташкилотлари катта ролни ўйнади. Булар орасида асосан ишчи хотин-қизлардан ташкил то-ган «Парижнинг ҳимоя қилувчи ва ярадорларга ёрдам берувчи хо-тин-қизлар союзи» Марксизм Комитетини ташкил этишда франсуз ўқитувчиси,

эзувчи ва шоира Луиза Мишель, жамоатчи аёл Натали Лемель билан бир қаторда рус социалистик аёллари Елизавета Дмитриева (Томановская) ҳам бор эди. Елизавета Дмитриевна Боши Интернационал со-ветининг аъзоси Г. Юнга 1871 йил 24 апрелда «ёган хатда бу ташкилотнинг фео-лятин шундай ҳикоя қилиб берган эди: «Мен кўп ишламоқ-даман, биз Парижнинг барча хотин-қизларини курашга қўзғатаёт-миш. Мен халқ йиғи-лиларини қирраётим-ман. Биз барча рай-онларда, марийларнинг биноларида хотин-қиз-лар комитетлари ва бундан ташқари Мар-ксизм Комитет туздик. Буларнинг ҳаммаси Париж ҳимояси ва ярадорларга ёрдам бер-увчи хотин-қизлар Союзини асослаб ол-тиш учун амалга оши-рилди. Агар Коммуна галаба қилса, бизнинг ташкилотимиз сиёсий ташкилотдан социал ташкилотга айланди ва биз Интернационалнинг хотин-қизлар сек-циясини ташкил эти-миш... Бизнинг маж-буриятимизда ҳозирда-ноқ 3-4 минг хотин-қиз қатнашмоқда.»

«Парижнинг ҳимоя қилувчи ва ярадорларга ёрдам берувчи хо-тин-қизлар союзи» Марксизм Комитетини ташкил этишда франсуз ўқитувчиси,



МАНГУДОР ИНГИДОР ШОНУ ШУЖУХИ. ИЛЛАР ХУКУМГА ВОҚИБ ТУРАГ ТИК. ПАРИЖ КОММУНАСИНING РУҲИ. КОММУНИСТЛАР ИШИДА ТИРИК! Рассом К. Иванов, Н. Грибачев шеъри. («Агитплакат» наشريети). ТАСС фотохроникаси.

эшида Парижнинг ҳимоя қилувчи хотин-қизлар клуби ҳам алоҳида рол ўйнади. Коммунар аёллар ўр-тасида Коммуна хо-кимиятининг бир қатор назоратчилари ҳам бор эди. Булар ораси-да эзувчи Андре Лео (Леониль Шансе)нинг фикрлари характери-лид. Коммунар аёл Андре Лео Париж про-летариатини деҳқон-лар оммаси билан итти-фонда бўлишга чақир-ди. У деҳқонлар билан иттифон масаласида «ҳаёт ва мамо» маса-ласи деб атади. Ком-мунар аёллар Луиза Мишель, Натали Лемель ва бошқалар хо-тин-қизлар меҳнатини энгиллаштириши, шу-нингдек уларнинг иш ҳақлари масаласида

этиборга сазовор фикрлар юритдилар. Париж Коммунаси ўтиноган иқтимоий-иқ-тисодий таъбирларда тарихда доимо энгш, камситилб келинган хотин-қизлар масаласи алоҳида ўрин тутди. Коммунанинг иқтимо-ий-иқтисодий таъбир-лари туғайли болали аёллар меҳнат қилиш имкониятига эга бў-ладилар. Чунки, Комму-на боалар боғча ва яслиларини кенг тар-моқини яратиб учун ҳа-лоқат боладил. Ком-муна аёллар учун энг асосий масала — бо-ла тарбиясида, таълим со-ҳасида тубдан бури-ниш ясади.

Коммуна 1871 йил 20 майда ўқитувчиларнинг иш ҳақини оши-риш ва хотин-қиз ўқи-

ТОШКЕНТ ОКШОМИ ДА БОСИЛГАНДАН КЕЙИН «ХУРАНДАЛАР РАНЖИШМОҚДА» Газетамизнинг шу йил 17 февраль сониде босилган юқоридики сарлаҳали материалда «Гулро» кафеси таъйин қилинган эди. Материалда келтирилган фактлар аниқланди. Кафенинги ишчи яхшилаш учун қатор таъбирлар белгиланди. Ҳозир кафе бир ҳафталик меню асосида ишламоқда. У нонушта, тушки оғат ва кечки ўшқарларга мўъжаллаб тузилмоқда. Кафеда спиртли ичимликлар истеъмол қи-

ТОШКЕНТ ОКШОМИ ДА БОСИЛГАНДАН КЕЙИН «ХУРАНДАЛАР РАНЖИШМОҚДА» Газетамизнинг шу йил 17 февраль сониде босилган юқоридики сарлаҳали материалда «Гулро» кафеси таъйин қилинган эди. Материалда келтирилган фактлар аниқланди. Кафенинги ишчи яхшилаш учун қатор таъбирлар белгиланди. Ҳозир кафе бир ҳафталик меню асосида ишламоқда. У нонушта, тушки оғат ва кечки ўшқарларга мўъжаллаб тузилмоқда. Кафеда спиртли ичимликлар истеъмол қи-

«СОЮЗПЕЧАТЬ ДУКОНИ БУЛСА» сарлаҳали мақолада кўрсатилган таъйини муҳожаза юзасидан «Союзпечать»нинг шаҳар дирекцияси қўйидагиларни маълум қилди: 13 ва 22-маршрдаги трамвайларнинг сўғини бекатида газета-журнал сотадиған қиосқа ўрнатилади ва у келаси ойдан ишлаб бошлай-ди.

ТОШКЕНТ ОКШОМИ СУРАТА: ыетиялик ешлар рус тили дареда. М. Тўйчиев фотоси.

# ҲАМ ЖАВОБ, ҲАМ...

Чирчиқ шаҳридаги Б. Хмельницкий посёлкида яшовчи ёш шахмат хаваскори У. Содиқов редакцияга мактуб йўллаб, бир неча саволларга жавоб беришимизни илтимос қилибди. Саволларга Ўзбекистон шахмат федерацияси раиси, республикада кизмат кўрсатган тренер М. МУХИДДИНОВ жавоб беради.

**САВОЛ:** — Шахматчиларимиздан ким кўп республика чемпиони бўлган?

**ЖАВОБ:** — Александр Грушевский, 1949—1964 йиллар мобайлида 15 та чемпионатда иштирок этиб, улардан ўн тасида баъзан яққа ўзи, гоҳо бошқалар билан биринчи ўринни бўлишган. 1959 йили Тошкентда ўтказилган Осий мамлакатлари биринчи халқаро турнирида голиб чиққан Грушевскийга 1960 йили СССР спорт мастери унвони берилган. У 1932 йилда туғилган. Касби ўрмон кўчалги инжениери. Тошкентда истиқомат қилади.

**САВОЛ:** — Ушамда улуг ишлардан қайси бири шахматни севаган?

**ЖАВОБ:** Улуг ишларнинг дегарли кўчилиги ақл-дрок ўйини—шахматни севашган. Чунинчи, Фирдавсий, Низомий, Навоий, Бобур, Сервантес Руссо, Гёте, Пушкин, Тургенев, Толстой, Горький каби бадиий сўз соҳиблари хатто ўз асарларида ҳам шахматни кўлаганлар. Алкинса, дохилларимиз К. Маркс ва В. И. Лениннинг шахматга бўлган муҳаббатларини алоҳида фахр билан тилга оламиз.

**САВОЛ:** Тошкентда биринчи шахмат клуби қачон очилган?

**ЖАВОБ:** 1937 йилнинг охирида Шайхонтоғруда очилган эди. У бино яқинида ҳам бўлиб, кутубхона эди. Ҳозир эса унинг ўрнида ошхона қурилган. Архитекторлардан ҳам хафа бўлиб кетди киши баъзан...

**САВОЛ:** Қайси бир шахмат партияси «бўйи» деб аталган?

**ЖАВОБ:** Ўз замонасининг аълоби шахматчилари Андерсен билан Кизеричини ўртасида 1851 йили Лондонда ўйналган партияга ана шундай ном берилган. Бунинг босми шундаки, оқ доналарда ўйнаган Андерсен бер неча юришлар ичиде бешта сиконини, жумладан, фарзанини ҳам қурбон бериб, рақибини 23 юришда «қалба» қилиб мот қилган. Комбинациялар устаси, математика про-

фессори Андерсеннинг бу партиясини ҳозир кўриб чиққан шахматчи ҳам ноёб санъат асарларини кўриб қувонгандек ҳузур қилади.

**САВОЛ:** Таниқли ўзбек шахматчиси Саидонов ҳақида маълумот беришгиз!

**ЖАВОБ:** Ингирманчи йилларнинг охирида ўзбек шахматчиларининг маҳоратини йиттириб, Ўзбекистонда бири кўнглик Пулатов Саидонов деган (1892—1950 йил). Унинг комбинаторлиги чуқур ва ўзини техникаси нафис эди.

**САВОЛ:** 15 ёшда халқаро гроссмейстер унвонини олган чет эллик шахматчи бор дейишди. У юкми?

**ЖАВОБ:** Бу америкалик Роберт Фишердир (1943 йилда туғилган). Ҳозир у жаҳон чемпиониликка асосий даъвогарлардан. Журналистлар 1970 йилнинг энг яхши шахматчиси, деб унинг номини кўрсатишди.

**САВОЛ:** Тошкентлик қайси спорт мастери бир қанча дебют вариантларининг асосчиси ҳисобланади?

**ЖАВОБ:** Тошкентлик шахмат мастери марҳум С. Н. Фрейман (1882—1946 йил) кўпгина дебют вариантларини назарий жиҳатдан асослаб, биринчи бўлиб уларни ўзи амалий ўйинларда синиб кўрган. Бу вариантлар шахмат адабиётида Фрейман, баъзан эса «Тошкент» варианты деб юритилган.

Уйлаймики, бу қисқа маълумотлар мактуб муаллифидан бўлаб кўлаб шахмат мухлисларини ҳам қизиқтирган бўлса керак. Газета орқали жавоб бериётганимизнинг сабаби ҳам шу. Энди қуйидаги бир латифани ҳам билиб қўйсангиз чакки бўлмасди.

Халқаро турнирларнинг бири ўтаётган пайтда, бир жаноб жаҳон чемпиони Ласкернинг олдига келиб: менинг ўлимга била эсим шахмат бобиде бир «бало» чиқиб қолди!—деди ва ундан ўли билан бир партия ўйнаб қуришини илтимос қилибди. Чемпионни ташвишга қўймаслик учун у хат орқали ўйнашларини таклиф эттибди.

Уйин дуранг бўлиб қолса — 500 доллар тўлайсиз-де!

Бу жаноб ҳар кунни жонига тегавергач, Ласкер унинг таклифига кўнубди. Хат орқали ўйин бошланди.

Оқ доналарда ўйнаш имкониятини берган рақибнинг аввалига назар-писанд қилмай, аста-секин ўйин жиҳдийлашайтганини пайкаган Ласкер кейинги бор маҳоратини ишга солибди ва зурга галаба қозонибди. «Бало» боланинг отаси ваъдага бинсон 500 долларни тўлабди.

Кейинчалик Ласкер бу галати воқеани жаҳон чемпионилик даъвогар Капабланкага айтиб берганида...

Унинг ақлини очиб қилибди. Ушамда Ласкер Капабланка билан ўйнаган экан. Ўзини болаининг удабуро отаси Ласкерга қандай шарт қўйган. Бўлса, бир вақтининг ўида Капабланка билан ҳам худди шундай қилган экан.

«Бало» бола, фақат ёлгондакам бир восита бўлган экан, холос. Бу ўйин Капабланкага 1500 долларга тушибди, «Воситачининг» отаси Ласкернинг юришини Капабланкага, унинг эса Ласкерга юбориб туриб, ўйин натижасидан қатъий назар, 1000 долларни «қуртдай» санаб олшининг «яқиб» йўлини топан экан.

Саволларга берилган жавобларга бу латифани тиржаб қўйиш учун қандай зарурат бор экан, деган фикр турлиш муқаррар.

«Ленин учқуни» газетасининг шу йилги биринчи сониде аъзавайи янги йил шахмат конкурсининг шартлари босилган бўлиб, юқоридаги саволлар унинг шахмат виторинасида берилганини кўрасиз.

Бу ерда биз мактуб эъзини айнан латифаника қайрамонига ўхшатишчи эмасизми, у лекин унинг «қилиги» ҳам ўзига яраша танбихга лойиқдир. Бундай йул билан конкурсолиб бўлганда кўра, ўз биланингда жавоблар ўйлаб, тегишли ўринин олган маълумат.

Конкурсга жавоблар юбориш мuddати тугади. Бинобарин, биз берган маълумотлардан энди шахсан баҳраманд бўласиз, холос.

Шу ерда яна бир нарсани эслатиб ўтиш жоиз кўринади. Китоб магазинларимиздан, яқиника, ўзбек тилида шахмат кўпнамалари топилмагани минг-миглаб хаваскорларнинг шахматга бўлган иштироки қайтармоқда. Китоби бўлганда, балки бу мактубни Содиқов ёзмаган бўлар-мики...

# РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

## ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 18/III да Тўй кунда, 19/III да Сағи тумори, 20/III да Гулсара, 21/III да Дон Никот (қундуз), Дилором (кечқурун).

ХАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 18/III да Олтин девор, 19/III да Мирзо Улуғбек, 20/III да Шоҳ Эдил, 21/III да Олтин девор (қундуз), Бой ила хизматчи (кечқурун).

МУҚИМНИ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 18/III да Паранжи сирлари, 19/III да Тошбола ошиқ, 20/III да Хотиннинг эри, 21/III да Ҳалима, ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА 19, 20/III да Улимларини қолдириб доғда.

## Кино

18 МАРТДА  
Шайтоннинг малайлари — «ЎЗБЕКНИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (тоқ соатларда), «КОМСОМЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ТОШКЕНТ СОВЕТНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (куфут соатларда), «КҲҲА», НАВОИЙ НОМЛИ, «МОСКВА» (кечқурун).  
«Авлия Лукчининг қайтиши — САНЪАТ САРОНИ, «ЧАЙКА» (кечқурун).  
Яхши жойлашди — «КОМСОМЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (тоқ соатларда).  
Мовий муз — «МОСКВА» (кеч соат 9 да).

19 МАРТДА  
Шайтоннинг малайлари — «ЎЗБЕКНИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «ТОШКЕНТ СОВЕТНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», «МОСКВА» (қундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (қундуз соат 2, 3, 4, 5, кеч 6, 7, 9 да), НАВОИЙ НОМЛИ (артилар соат 10, 20 минута, қундуз 2, кеч 7 ва 8, 40 минута).  
Умар қизининг қулоғини (2 серия) — «ЎЗБЕКНИСТОН» (қундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (артилар соат 11, қундуз 12, кеч 8 да).  
Жодуланган мухаббат — «КОМСОМЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (куфут соатларда), «КҲҲА» (артилар соат 11, қундуз 1, кеч 6 да).  
Шаҳар таронаси — «ВОСТОК» (қундуз ва кечқурун).  
Европани келин — «КОМСОМЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (тоқ соатларда).  
«Авлия Лукчининг қайтиши — САНЪАТ САРОНИ, «ЧАЙКА» (қундуз ва кечқурун).  
Анупама (2 серия) — «КҲҲА» (ўзбек тилида, қундуз соат 3 ва кеч 8 да).  
Гул ва тош (2 серия) — НАВОИЙ НОМЛИ (ўзбек тилида, қундуз соат 1, 40 ва 4, 20 минута).  
Мовий муз — «МОСКВА» (қундуз соат 2 да).

## ИНСТИТУТ ВА ТЕХНИКУМЛАРИНИНГ КҮНДУЗГИ ЎЗЛИМ СТУДЕНТЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг қарорига бинсон институт ва техникумларнинг кундузги бўлим студентлари, га шаҳар электротранспорт (троллейбус, трамвай)да юриш учун имтиёзли ҳақ тўлаш имконияти яратилди.

ТРОЛЛЕЙБУС ВА ТРАМВАЙЛАРДА ЮРИШ УЧУН ЧИҚАРИЛГАН ИМТИЁЗЛИ ОҚЛИК КАРТЧАЛАРИНИНГ БАҲОСИ 1 СУМ 50 ТИЯН.

Бу ҳамма граждандарнинг 5 сум 50 тииянлик оқлик картчаси нарҳининг 25% ташкил қилади.

СТУДЕНТЛАР ИМТИЁЗЛИ КАРТЧАЛАРИ: Тошкент трамвай-троллейбус бошқармаси (Полторацкий кўчаси, 12-ўйда сотиб олишлари мумкин). Телефонлар: 33-10.68; 33-11-18; кўшимча 3-61.

ШАҲАР ЭЛЕКТР ТРАНСПОРТИ ХИЗМАТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИҒИ!

## ХҲҲАЛИК ХИСОВИДАГИ «ХИЗМАТ-БЕМИНАТ» УНИВЕРСАЛ МАГАЗИНИ

Кенг кўламда озик-овқат молларини, граждандарга саноат ноҳораларини, ташкилот ва муассасалар инвентларига етказиб бериш учун, ҳамда тўй кечалари ва юбилей тантаналарида хизмат кўрсатиш учун магазиннинг бюртма салонда ва 74.08-10 телефон номери бўйича

## БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Буюртмалар бюртма исталганнинг хоҳиши бўйича исталган мuddатда уйга етказиб берилади, ёни шу ёрнинг ўида берилади.  
Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Чиллозор массиви, 23-йилортга, Подкошовна кўчаси, 57-уй.

## «ЎЗЭНЕРГОСВИТ»

ҳамма истеъмолчилардан кун ёриши билан муассаса, магазин, уйлардаги тақчи ёритиш электр лампаларини

## УЧИРИБ ҚЎЙИШНИ СУРАДИ

ҳамда иш туғандан сўнг (набатчи қирогдан ташқари) муассаса, ташкилот, уйву юртлари ва магазин бинаolari ичиндаги электр лампаларини ўчириб қўйиш лозим.  
Кун ёруғлигида тақчи ёритиш электр лампалари ўчириб қўйилмасе оғохлантиришсиз электрэнергия бериш тухтатиб қўйилади.

## ЎЗБЕКНИСТОН РЕСПУБЛИКА «ГАСТРОНОМ» КОНТОРАСИ

СОТУВЧИЛАР ТАБИРЛАЙДИГАН МАКТАБ-МАГАЗИНГА  
ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ  
Уқин мuddати—6 ой.  
Уқувчиларга 45 сўмдан 54 сўмгача стипендия берилади.  
Тошкент шаҳрида яшовчи 8—10 синф маълумотига эга бўлган 16—26 ёшли йиғит ва қизлар

## ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ

Уқинчи тугатган ўқувчилар, Тошкент шаҳридаги «Гастроном» магазинларига ишга юборилади.  
Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Хорам кўчаси, 25-уй, 32-38-25 телефон ёни 21 «Гастроном» мактаб-магазини (У. Юсупов кўчаси, 6 «а» уй, телефон 44-37-32).

## ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

РСФСР ВА ДОГИСТОН АССР ХАЛҚ АРТИСТИ Ярағи ГажиқурбонОВ РАҲБАРЛИГИДАГИ

## «ЦОВКРА» ДОГИСТОН ДОРБОЗЛАРИ

ВЛАДИМИР ТИН РАҲБАРЛИГИДАГИ ЎРГАТИЛГАН АИИҚЛАР АТТРАКЦИОНИ

## ҚИРГИЗИСТОН ЦИР АРТИСТЛАРИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ

Томшоқлар кеч соат 7, яримда бошланади, Шанба кунлари қундуз соат 3 ва кеч 6 да; Лилшаба кунлари: қундуз соат 12, 3 ва кеч 6 да бошлашади.  
Коллектив бўлиб кўриш учун аъзалар қабул қилинади, Билетлар сотилмоқда.

## ЎЗБЕКНИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИНИ КОМИТЕТИ НАШРИЕТИ

ТОШКЕНТ ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҚЛАРИ БЎГИЧА

## ТЕЛЕФОНЛАР СПРАВОЧНИГИНИ НАШРГА ТАЙЁРЛАМОҚДА

НАШРИЕТ РЕСПУБЛИКА ВА ШАҲАР ТАШКИЛОТЛАРИ, КОР. ХОНАЛАР ВА МУАССАСАЛАРИДАН ТЕЛЕФОН СПРАВОЧНИГИ. ДА ЧИҚАРИШ УЧУН

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, «Права Востока» кўчаси, 26-уй, эълонлар бўлими, телефон №В3.81-42.

## ТЕЛЕВИЗОР

18 МАРТ

## ПАЙШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА  
ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

18.55 Кўрсатувлар программаси.  
Ўзбек тилида: 19.00 Ўқувчилар учун. «Оталаримиз жасорати», 19.30 «Ахборот» информация программаси (рус тилида), 19.45 «Партия Коммунист» — 100 ёшда (француз тилида), 19.55 Кинофильм. (Ўзбек тилида).  
Рус тилида: 20.20 Музикали мюзикли, 20.50 «Тулдинда—Ота», 21.00 «Порла, порла, меннинг юлдузим», Вадий фильм.

## РАДИО

18 МАРТ

## ПАЙШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА  
18.00 «Завод—қиллоҳча» (Ўзбекча), 18.10 Г. Мушова, «Самарқанд афсонаси» балетидан сценика, 19.20 Таттар куйлари, 20.00 «Шиллик» радиостанциясининг программаси, 21.00 Халқаро маълумат сўхбат, 21.10 Қишлоқ кўчалари ходимлари учун кечки концерт, 21.45 Сабий билмлар радиостанциясини, «Тенишчи ва тийишчи» ташкилот ва ҳозирги вақтдаги футболининг иштирокида на зарини тақия», Сўхбат (Ўзбекча), 22.20 Шу куннинг қўшқилари, 22.40 «Қаҳрамоним — ва муборак», Адабий эшиттириш (Ўзбекча), 23.15 Мақом кечаси, 24.00 Тунги музикали программа.

## ИКИНЧИ ПРОГРАММА

19.00 Ҳашир Хилолар (Ўзбекча), 19.30 «Бу билиннг энг сўнгги жангани», Музикали хило, 20.00 Руубочин аёллар ансамблининг концерти (тошчи), 20.30 Тошчи мақом концерти, 21.00 Ёшлар иноди (Ўзбекча), 21.40 Москва.

## ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

23.30 «Вақт» информация программаси, 24.00 Рағлиг телевидение, «Француз революциясининг шорлари ва рассомлари», 00.30 Кўрсатувлар программаси, 00.35 Москва кўрсатувларининг охири.

## ИКИНЧИ ПРОГРАММА

20.00 Партия плани—халқ плани, 20.15 Рағлиг телевидение, Коңцерт, 21.20 Телевизион бадиий фильм, 22.30 А. Островский кўшқилари кечаси. Чайковский нумидати коңцерт залидан олиб кўрсатилади.

## УЧИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 Шифонор эфирни (Ўзбек тилида), 18.30 Сирдан Унётган студентлар учун. Олий математика (Ўзбек тилида), 19.15 Сирдан Унётган студентлар учун. Олий математика (рус тилида), 20.00 Спорт шити, 20.40 «Оқ туларни кўрартиб», Телевизион бадиий фильм.

## 19 МАРТ

## ЖУМА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА  
6.15 Тонги коңцерт, 8.25 Халқ талантлари коңцерти, 9.30 Ф. Содиқов, Т. Тошматов, «Янги Тошкент» вокал съюсти, 9.50 «Қалб амри билан», Сўхбат (тошчи), 10.10 Э. Саидов, Ёшлар немали симфонии, 11.15 КПС СХИ СЪЗЛИ ДИРЕКТИВАЛАРИ ЛОНХАСНИН МУҲОМАМА КИЛА МНЗ, «Вир оила бодиеги» (русча), 12.15 «Галон», Музикали хило, 13.30 Ўзбекистон композиторларининг фортепьяно куллари, 16.10 Ёшлар учун музикали соат, 16.50 «Права» газетасининг обдору, 17.00 «Композитор А. Ф. Козловский», Музикали шиттириши, 18.00 «Коммунистни ахлоқ ва тарбия мавзуларида» (Ўзбекча), 18.10 Ўзбек классик қўшқилари, «Вагт!» ва «Иро», 19.20 С. Эрежезова куйлайди, 20.00 «Ўзбекистон индустриальни» радиожурнали, 20.30 Синоат ходимлари учун коңцерт, 21.00 Халқаро маълумат сўхбат, 21.10 Қишлоқ кўчалари ходимлари учун кечки коңцерт, 22.30 Агата Кристи, «Вир қотил изидан», Радиоспектакль (Ўзбекча), 24.00 Тунги музикали программа.

ИКИНЧИ ПРОГРАММА  
8.25 Опереталардан парчалар, 9.15 Рефлама.  
19.00 Ўзбекистон телевидение, си ва радиоси хорининг коңцерти, 19.30 «Замондошларимиз», Адабий эшиттириш (русча), 20.00 «Шамақомдан парчалар», 20.30 Орсет куйлари, 20.50 «Партия съезди делегати», Очерк (русча), 21.00 «Социалистик мамлактлар адабиети», Д. Спирidonов, «Сут ташувчи» хилоли (Ўзбекча), 21.40 Москва.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА  
14.00 «Қозғонган қўшқилари», Музикали шиттириши, 15.00 Фуркат лирикази, 16.00 Э. Ағриенов, «Дунда шундай вел ашайди» спектаклининг монтажи (русча), 19.00 «Ешлик» радиостанциясининг программаси.

# Спорт

## • Енги атлетика

# Натижалар қувонарли эмас

Ўтган йили қишда «Ешлик» манежиде енгил атлетика мусобақалари бўлиб ўтган ва ўшанда мен қизинг бир воқеанинг тухоҳи бўлган эдим. Юз метрга югуришда спортчилариямдан бири унинг фамилиясини айтиб ўтишининг ҳожати бўлмасе керак иноничи ўринни эгаллади. Шунда дўсти унга:

— Спортдан кетишини ўйламайсанми? Ахир ёшлар сендан ўзиб кетишяпти-ку?— деб савол берган эди. СССР халқларининг V снйрақинадаси арафасида ана шу саволга берилган жавоб эдимга тўшди.

— Ташвиш! а н а м а, яна бир йил чидаб берсам бўлгани. Москвага бориб келаман-да ҳаммасини ташлайман,— деган эди.

Энди ана шундай спортчиларнинг саратнадага бориши бир мунча мушуқлашди. Чунки, янги қондага бинсон энг кучли саккизилининг натижасига команда ҳисобига киритилди. Уш гапларни айтган спортчи ҳам эндиликда югуриш майдончаларида кўришни қолди.

Бу йилдан бошлаб тренерлар ишига ҳам

янгица баҳо берилади. Жон куйдирмайдиган, юксак маҳоратли спортчилар етиштириган дўстларининг кеңг елкаси орқасига лиширинишга, ҳаракат қилдирилганлар ўз ўринларида қололмайдилар. Республикада енгил атлетика шу куннинг талабидан ортида қолмоқда. Бу фикримизни ўтган шанба ва яқинба кунлари «Ешлик» манежиде бўлиб ўтган мусобақалар ҳам тасдиқлади. Унда Ўрта Осий, Заанавазье, Қозогистон ва Молдавия республикаларининг юмадалари иштирок этишди. Майдон эгалари кескин тортишувда ўзларининг асосий рақиблари—Қозогистон спортчиларини орда қолдириб, биринчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлишди. Аммо кўрсатилган натижалар кишини қувонтирмади.

Биз армянчи В. Чудкованин юморига саррайида яхши натижалар кўрсатишга қўшқилдиб қолдик. Бу саволлар ҳам Валентина ишончин оқлади. Людмила Козогистон) ва Людмила Гук (Грузия) билан баҳс-

лашууда Чудкова 176 сантиметр баландликка саркаб, манежнинг янги рекордини ўнатди. Валентина 180 сантиметр баландликни ҳам таслим этишга уриниб кўрди. Аммо бу сафар баландлик унга бўйсинагани йўқ.

Эркаклар ўртасида «Ешлик» манежнинг рекорди тошкентлик динамочи Г. Кутлянига мансуб эди. Энди бу рекорд 213 сантиметрга тенг бўлиб, у Молдавия республикасининг вакили, халқаро класе мастери В. Большов томонидан ўриятилади. Иккинчи ўринни 209 сантиметр натижа билан французлик талантили спортчи В. Караминшев эгаллади. Республикамиз вакили Р. Ишимбоев эса пешадамларга яқинлашгани ҳам йўқ. Енгил атлетикачиларимиз спортнинг яна бир неча турларида пешадамлик қилишди. 800 метрга югуришда 2 минут 14.3 секунд қатнажа билан Н. Садагаева, ядро удонтиришда 16 метр 70 сантиметр натижа билан В. Тарасов, найза

Улоқтиришда 47 метр 20 сантиметр натижа билан Г. Билова биринчи ўринни эгалладилар.

**В. ҚОБУЛОВ,**

**СУРАТДА:** Валентина Чудкова. Бу сафар унга 180 сантиметр баландлик бўйсинагани йўқ. Аммо Валентина қайгурайди.

**Н. Надеждин** фотоси.

Редактор ўринбосари **М. КАРИМОВ.**

## ШАҲАР ВЭХУНАР ТЕХНИКА ВИЛИМ ЮРТИ

1971 УЎВ ЙИЛГА МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА ҚУШИМЧА

## ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Тинувчилар ва Ингирувчилар ўиш мuddати — 1 йил.  
Тинув ва Ингирув ишлаб чиқариши мастерлари ёрдмчилари.  
Уқин мuddати — 1 ярим, 2 йил.  
8—10 синф ҳанмида маълумотга эга бўлган 15 ва ундан катта ёшдаги йиғит-қизлар қабул қилинади.

Қабул қилинганлар Тошкент шаҳрига домий прописка қилинади, кунига 3 марта иссин оқиат, кийим-бош ва ишлаб чиқариш пратикасиндаги иш ҳақининг бир қисминин олдилади.